Хотираси мангу яшайди
У ҳамиша юрт тақдири, халқининг омонлиги, фаровон, тинч, осойишта ҳаётини ўйлаб яшади. 6-саҳифа ►



Узумчилик истиқболлари
Бахмал туманининг иқлими мева етиштириш учун жуда қулай. 9-саҳифа ►

Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi 2020-yil 6-avgust, payshanba **34-35** (9071-9072)-sonlar e-mail: **info@qishloqhayoti.uz**



40 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА МОҲИР ҲУНАРМАНД



Муҳаммадали Юнусов – Қўқон шаҳрида 2019 йил 10-15 сентябрь кунлари ўтказилган Халқаро ҳунармандлар фестивалида "Энг яхши ҳунарманд", деб топилган қули гул усталардан.

Ўзбекистон халқ устаси М.Юснусов қирқ йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланади. У болаликдан бобомерос ҳунарни ўрганиб, йиллар давомида ўзига хос мактаб яратди. Яқинда уста Фарғона вилояти Фурқат тумани марказида "Усто Юсуфжон наққош" оилавий ҳунармандчилик корхонасини ташкил этиб, ёшларга наққошлик сир-асрорларини ўргатишни йўлга қўйди. Кайвонли айвон билан безатилган корхона биноси қошида ҳунарманд ишлатаётган дурадгорчилик асбоблари ва ёғоч маҳсулотлари фотосуратлари билан тўлдирилган музей ҳам бор.

– Устахонада шогирдларим билан аҳоли хонадонларига буюртма асосида сўри, хонтахта, кичик айвонлар тайёрлаймиз, – дейди уста М.Юнусов. – Илгари ёнғоқ, чинор, қайрағоч ва терак дарахтидан маҳсулот тайёрлаган бўлсак, эндиликда қайин дарахтига ҳам ишлов беряпмиз. Ёғоч ўймакорлиги ҳунарига қизиқувчи ёшлар сафи кенгаймоқда. Айни кунда Шотўра қишлоғимиздаги устахонада юздан зиёд шогирдларим карантин тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда қўли-қўлига тегмай ҳунар ўрганмоқда. Улар тайёрлаган наққошлик буюмлари орасида санъат асари даражасида баҳоланаётганлари ҳам бор.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллилигини янада ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Хусусан, жаҳонда бўлиб ўтаётган коронавирус пандемияси аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа муддатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали инструментлари бўлишини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада зарур идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қоғозда иш юритишдан воз кечиш, давлат ижтимоий хизмати ёки ёрдамини тақдим этиш вақтини қисқартириш имкониятини бермаяпти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

2019 йилнинг 1 октябридан Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (кейинги ўринларда – ижтимоий нафақалар) тайинлашни кўриб чиқиш ва белгилаш тартиб-таомиллари "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт кўмаги асосида амалга оширилмоқда;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини республика бўйлаб жорий этиш учун компьютер ускуналари ва периферия қурилмаларини сотиб олиш Жаҳон банки имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилади;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими эгаси ва фойдаланувчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади.

2. Белгилансинки:

2020 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари 1-иловага мувофиқ босқичма-босқич **"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими** воситасида амалга оширилади;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими "Электрон ҳукумат" тизимининг таркибий қисмидир;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – шахсий идентификация рақами) "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида жисмоний шахснинг идентификатори ҳисобланади;

давлат ижтимоий хизматлари ёки ёрдамини тақдим этиш доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграцион платформаси орқали амалга оширилади.

3. **"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"** ахборот тизимини жорий этишнинг **асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин**:

идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаш воситасида ўзаро ҳужжат алмашиш жараёнини автоматлаштириш орқали давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этиш учун зарур бўлган маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш;

белгиланган мезонларга мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини объектив баҳолаш, давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этиш жараёнларини автоматлаштириш орқали қарорларни қабул қилишда субъектив ёндашувни бартараф этиш;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифаси таркиби ўзгариши динамикаси мониторинги ва таҳлилини юритиш, уларни баҳолаш мезонларини республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

давлат ижтимоий хизматлари ва ижтимоий ёрдам олувчиларнинг доимий янгиланиб турадиган ягона маълумот базасини шакллантириш;

манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда хизматларни бепул ёки имтиёзли асосда тақдим этиши учун маълумот билан таъминлаш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **2-иловада назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар фуқаролардан талаб этилишига йўл қўйилмайди**;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ёки оилалар **қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан** 3-иловага мувофиқ хизматлар ва имтиёзларни ҳам олишга ҳақлидир;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотнома ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади ва **ўн икки ой давомида** амал қилади.

5. "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими, манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ҳамкорликни янада яхшилаш ва кенгайтириш бўйича **чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Дастур ижроси устидан доимий мониторинг ўрнатсин ва чора-тадбирларни бажариш муддатларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, унинг ҳудудий бўлинмалари ва туман (шаҳар) бўлимларига "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлаш учун 5-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган штат бирликларини ажратиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 5-иловасида кўрсатилган штат бирликларининг:

200 таси меҳнат органларининг инспекторлар ва мутахассислари штат бирликлари;

125 таси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими штат бирликлари;

100 таси Давлат солиқ хизмати органлари штат бирликлари мақбуллаштирилиши ҳисобидан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратида тасдиқланган штат бирликлари доирасида фуқароларнинг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали **ижтимоий нафақаларни тайинлашга оид мурожаатлари ва шикоятларини қабул қилиш бўйича шўъбаси** ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **2021 йилнинг 1 январига қадар** "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда – ФҲДЁ органлари) архивларида қоғоз ташувчиларда сақланаётган ҳужжатларнинг **электрон базаларини** шакллантирилишини таъминласин.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар ФҲДЁ органлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун зарур бўладиган қўшимча ходимларни вақтинча ишга жалб этиш ва уларни жойлаштириш чораларини кўрсин, уларга зарур бўлган компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, офис жиҳозлари, канцелярия товарлари, телефон ва интернет алоқаси билан таъминласин, шунингдек, архив ҳужжатлари билан ишлаш тартибига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ФҲДЁ бўлимлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш, шунингдек, шартнома асосида ходимларни вақтинчалик жалб этиш ҳамда зарур компьютер ва бошқа оргтехника воситаларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан 30 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан мазкур қарор доирасида компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, истисно тариқасида, энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали харид қилиниши мумкин;

"ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида ФҲДЁ органларининг архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш бўйича тадбирлар тўлиқ якунлангандан кейин, ушбу қарор доирасида харид қилинган компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тақсимотига мувофиқ **тегишли туманлар (шаҳарлар) умумтаълим муассасаларига белгиланган тартибда беғараз ўтказиб берилади**.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашган платформаси орқали "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими билан идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари ўртасида сифатли ва тўлақонли ахборот алмашинувини таъминласин, бунда Молия вазирлигига ҳар томонлама, шу жумладан, зарур техник кўмак берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш" лойиҳаси доирасида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими тўлақонли ва сифатли ишлаши учун зарур бўлган серверлар, компьютер ва бошқа техника воситалар, асбоб-ускуналарни сотиб олишни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда босқичма-босқич "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими функционал имкониятларини кенгайтириш;

"ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилганидан сўнг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими томонидан ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун аризаларни электрон тарзда онлайн режимида қабул қилинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар маълумотлар тақдим этиш махфийлиги ва ёпиқлигини таъминлаш асосида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номига олинган пул ўтказмалари ва очилган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинганда ариза берувчилар ва уларнинг муомалага лаёқатли оила аъзолари розилиги билан тақдим этиш имкониятини яратиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ўзларининг ҳамда таркибидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари, уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар учун назарда тутилган бошқа давлат ижтимоий хизматларини олиш учун "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аризалар тақдим этишини чеклаш ва уларнинг кўриб чиқилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

12. Махфий.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2021 йил 1 январга қадар "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига фуқароларга тегишли бўлган шахсий идентификация рақамини бириктириш орқали **ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси** жорий этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, ижтимоий нафақаларни тайинлашда устуворлик даромади нисбатан пастроқ бўлган оилаларга берилиши назарда тутилсин;

икки ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этишнинг ягона тизимини жорий этиш, ижтимоий нафақаларни, хизматларни ва ёрдамни тайинлашда асос қилиб олинадиган муҳтожликни аниқлаш мезонларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилингунга қадар Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 4 август

ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни коронавирус тарқалишини жиловлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, пандемия даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жумладан, охирги пайтда дунёда COVID-19 инфекциясининг тарқалиши кескин тезлашиб, жами касаллар сони 19 миллионга яқинлашгани, қурбонлар ҳам кўпайгани афсус билан таъкидланди. Вазият ғоят жиддийлигини 31 июлда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия билан боғлиқ халқаро фавқулодда ҳолатни яна 3 ойга узайтиргани ҳам кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда охирги бир ҳафтада 5 мингдан ортиқ янги касал аниқланиб, жами вирус юқтирганлар сони 27 мингтага яқинлашди. Энг ёмони, коронавирусга қўшимча тарзда, асорати оғирроқ бўлган пневмония ҳолатлари ҳам кўпаймоқда.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, юртимизда қўшимча чоралар кўрилди. Жумладан, охирги 20 кунда коронавирусни даволаш ўринлари 3,5 баробарга кўпайтирилди ва қарийб 65 мингтага етказилди.

Жойларга қўшимча равишда қарийб 800 та тез тиббий ёрдам машинаси етказиб берилди.

Қўшимча 4 мингта нафас бериш ускуналари (ЎСВ, портатив сунъий нафас бериш аппарати, кислород концентратори) олиб келиниб, уларнинг сони 6,5 мингтага етди.

– Аҳоли ўртасида вирус тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни янада кучайтирган ҳолда давом эттиришимиз зарур, – деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари коронавирус ва пневмонияни даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб шифохонага ётқизилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди.

Жойлардаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими ишини янада жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, пойтахтимизда "оилавий поликлиника – мобиль бригадалар – махсус поликлиникалар – "103" тез ёрдам хизмати" тизимининг узвий ишлашини таъминлаш ҳисобига бир ҳафтада соғайганлар улушини 45 фоиздан 58 фоизга оширишга эришилди.

Шу муносабат билан, Бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусаевга ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари билан бирга бир ҳафта муддатда "Тошкент шаҳри тажрибаси" негизида ҳудудларда симптомсиз беморларни ўз уйида мобиль тиббий гуруҳлар ёрдамида уларнинг кўмак ва тавсиялари асосида даволаш тизимининг жорий этилишини якунлаш вазифаси юклатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, ҳудудларда COVID-19га чалинганларни қабул қилиш ва саралаш бўйича марказларни ташкил этган ҳолда, кичик шифохоналарни ўз профилига мувофиқ бошқа турдаги ва сурункали касалларни даволашга қайтариш лозимлигини айтди.

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳудудларга Тошкентдан бириктирилган ихтисослаштирилган марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ишини янада самарали ташкил этишларига ҳар томонлама кўмаклашишлари керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳар бир оғир беморни даволаш тактикаси бўйича юртимиз ва хориждаги малакали мутахассислар билан видеоалоқа орқали маслаҳат бериш тизимини мунтазам равишда унумли ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, бугун қатор мамлакатлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимларида коронавирус давосини топиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Россия фармацевтика компаниялари яқин вақт ичида вакцина ишлаб чиқаришни бошлаши ҳақида хабар қилиняпти.

Бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусаевга бир ҳафта муддатда етакчи олимлар ва тажрибали шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда вакцинани харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолиси вакцинациясини амалга ошириш йўлларини пухта ўрганиб чиқиш топшириғи берилди.

Касалликнинг олдини олиш, коронавирусга шубҳа бўлган фуқароларни шифохоналарга етказиш, карантин талабларини тушунтириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга оширишда жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш кераклиги уқтирилди.

Чунки халқимиз турли хил масалаларда биринчи навбатда маҳаллага мурожаат қилишга ўрганган.

– Республика бўйича 9 минг 150 та маҳаллада қарийб 40 минг одам бюджетдан ойлик олиб ишлайди, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. – Уларнинг ойликларини ҳам жорий йилда қарийб 1,5 баробарга ошириб бердик. Шундай оғир шароитда нима учун улар четда туришлари керак? Ўз аҳолисининг аҳволидан яхши хабардор бўлган, қайси хонадонда қандай бемор борлигини, кимнинг яшаш шароити қандайлигини, ким ёрдамга, ким врачга муҳтожлигини улардан яхши биладиган бошқа одамнинг ўзи йўқ пастки тизимда.

Бунинг учун ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар, маҳалла фаоллари ва нуронийлар, маҳаллаларга бириктирилган тиббиёт муассасалари ходимларини бирлаштириб, ўз ҳудудидаги аҳоли, айниқса, кексалар ҳолидан кунига хабар олиш, коронавирусга шубҳа бўлган ва касалликка чалинганларни тез тиббий ёрдам хизмати ва шифокорлар билан боғлашни ташкил этишга бош-қош бўлишлари шартлиги тайинланди.

Шунингдек, улар ёрдамга муҳтож оилаларга озиқ-овқат, уйда даволанишга тавсия қилинган беморларга дори-дармон етказиб бериш ишларида фаол иштирок этишлари лозим.

– Бунга қўшимча равишда, улар маҳалла ҳудудида аҳолининг зарурат бўлмаса кўчага чиқмаслиги ва тўпланмаслиги, тиббий маска тақиб юриши ва ижтимоий масофани сақлаши, тўй ва тадбирларни вақтинча ўтказмаслиги каби мажбурий талабларни доимий тушунтириши ва жамоатчилик назоратини амалга оширишлари шарт ва зарур, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Коронавирус тарқалиши сабаб иқтисодий фаоллик чекланган одамларнинг рўзғорига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай шароитда вақтинча ишсиз қолган, даромад манбасини йўқотган ва оғир аҳволда кун кечираётган аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Президентимизнинг 30 июль куни қабул қилинган "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги фармони шу борада жуда муҳим қадам бўлди. Ҳужжатга мувофиқ, бюджетдан қўшимча 2 триллион сўм ажратилиб, ушбу маблағлар 1 миллион 700 минг нафар ёрдамга муҳтож аҳоли, 3 миллион 700 минг нафар пенсионер ва жорий йил якунига қадар қўшимча 500 минг нафар ижтимоий нафақа олувчиларга йўналтирилиши белгиланган.

Хусусан, ўтган 5 кунда эҳтиёжманд оилаларга жами 148 миллиард сўм моддий ёрдам тарқатилди. Август ойида 1 миллион 700 минг аҳоли ва 50 мингдан зиёд тиббиёт ходимларига 780 миллиард сўм тўланиши кўзда тутилган.

Керакли пайтда керакли мадад олиб, халқимиз бу ишлардан рози бўлмоқда. Шу билан бирга, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларини тўғри ва ҳаққоний шакллантириш, ажратилган маблағларни адолатли тарқатиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда аҳолига ижтимоий ёрдам тўловларини етказиб бериш бўйича сектор раҳбарлари ва маҳалла мутасаддиларининг масъулиятига эътибор қаратилди.

Давлат назорлик органларига маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва тўланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш топширилди.

Шавкат Мирзиёев эҳтиёжманд аҳоли билан ишлашда янги, шаффоф ва адолатли тизим йўлга қўйилишини маълум қилди. Президентнинг 4 август куни имзоланган "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри жорий этилиши белгиланди.

Мазкур тизим Сирдарё вилоятида тажрибадан ўтиб, ўз самарасини кўрсатгани ва жорий йил якунига қадар уни барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилиши таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз томонидан ижтимоий ёрдамлар кўлами кенгайтириб борилиши жараёнида ушбу янги тизимнинг муҳимлигига эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий нафақа олувчилар сони ҳозирги 600 мингдан жорий йил охиригача 1 миллион 200 минг, 2021 йилда эса 1 миллион 500 мингтача етказилиши белгиланган. Бу борада Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали барча ижтимоий ёрдам бир хил мезон ва бир хил ҳужжат асосида берилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, келгуси йил 1 январдан бошлаб, кам таъминланган оила мақомини олиш учун фуқаролардан ҳозиргидек 12 та идорадан 30 дан зиёд маълумотлар талаб қилинмайди. Эҳтиёжманд оилаларга 30 турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматлар осон ва қулай тарзда тақдим этилади.


Йиғилишда ёрдам пулларига муҳтож оилалар рўйхати маҳаллалар кесимида адолатли тузилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқланиши лозимлиги таъкидланди.

Маблағларни адолатли тақсимлашда маҳалла ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ёрдамни мақсадли етказиб беришга нуронийлар ва фаолларни жалб этиш муҳимлиги айтилди.

Шу билан бирга, 50 минг нафар тез тиббий ёрдам ходими учун ажратилган 200 миллиард сўм мукофот пулларини ҳам ортиқча қоғозбозликсиз, ўз вақтида тарқатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида вазирлар, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳисобот берди.

ЎзА



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Экспертлар таъбири билан айтганда, инвестиция иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда инвесторларга қулай муҳит яратиш, ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар киритилиши туманлар истиқболи ва инвестиция жозибадорлигини оширишда муҳим омил саналади, – дейди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Жамшид Абдусаломов. – Бунинг натижасида иқтисодиёт ва унга турдош тармоқлар ривожи ҳам аста-секин ўзгариб, яхшиланиб боради. Жумладан, вилоятимизда ҳам жорий йил учун 56 та лойиҳа ҳисобига 309,2 миллион доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўрсаткичлар қониқарли эканлиги маълум бўлади. Хусусан, жорий йилнинг ярми учун белгиланган 103,5 миллион доллар миқдоридаги режа прогнози 181,2 фоизга бажарилди. Хусусан, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига 160 фоизни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг учинчи чорагида 171,9 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган. Умуман, вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг 44,6 фоизи – Хитой, 9 фоизи – Германия, 8,5 фоизи – Россия ва 6 фоизи – Англия, Эрон, Туркия давлатлари инвесторлари ҳиссасига тўғри келади. Вилоят ҳокимлигининг мазкур ишларни мувофиқлаштириши натижасида ҳозиргача хорижий инвестициялар иштирокидаги 36 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишларини режага мувофиқ якунлашга эришилди.

Тошкент вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиши натижасида амалга оширилаётган лойиҳалардан бири Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Евро Глобал Инвест" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ҳисобланади. Швейцария корхоналари инвестицияси ҳисобига амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 30,3 миллион еврога тенг. Бу ерда қурилиш соҳаси учун зарур бўлган йиғма темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Йилига 1 миллион дона тайёр маҳсулотлар тайёрлаш қувватига эга мазкур корхона фойдаланишга топширилгач, 400 нафар янги иш ўрни яратилади. Ушбу йирик лойиҳа иш жараёни учун зарур бўлган барча замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар хориждан олиб келинади. Ҳозирда объектда қурилиш ишлари тугалланиб, сўнгги монтаж юмушлари олиб борилмоқда.

Оҳангарон шаҳрининг саноат ҳудудида жойлашган "TIANRUN" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонани икки босқичдан иборат инвестиция лойиҳаси асосида бунёд этиш режалаштирилган. Бугунги кунда биринчи босқич фойдаланишга топширилган. Ҳозирча полимер қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилига 18,8 минг тоннани ташкил этади. Корхона тўлиқ ишга тушгач эса 171 та иш ўрни яратилди.

Шунингдек, корхона мутахассислари лойиҳанинг иккинчи босқичида кўзда тутилган автоклав газобетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш устида ҳам иш олиб бормоқда. Ҳозирда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур қўшма корхонага хитойлик инвесторлар томонидан 6 миллион долларлик асбоб-ускуналар олиб келиб, ўрнатилди.

Ушбу қўшма корхонада йилига 350 минг куб метр ҳажмдаги автоклав газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу йирик саноат корхонасида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Шу боис, замонавий технологиялар асосида сифатли, пишиқ, пухта ва жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа тўла қувват билан ишга тушгач, унда 200 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбири.

Наманган вилояти

АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Наманган шаҳридаги "Мустақилликнинг 5 йиллиги" маҳалласида бўлиб, бу ердаги кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олди.



Мазкур маҳаллада жами 1123 та оила истиқомат қилади. Улардан 85 таси темир дафтарга киритилган. 2-сектор мутасаддилари саъй-ҳаракати билан ушбу оилаларнинг 64 таси камбағал оилалар сафидан чиқарилган. Улардан бир қисми иш билан таъминланган бўлса, яна бир қисмига мол-қўй ва парранда ажратиб берилган.

Аюбхон Абдуллаев маҳаллага 2016 йилда кўчиб келган. Шундан бери турмуш ўртоғи ва 5 нафар фарзанди билан бир хона уйда яшаб келмоқда. Оиланинг асосий боқувчиси бўлган ўғил эса мавсумий иш билан банд.

Салоҳиддин Обидов эса бундан 10 йил аввал ушбу ҳудудга кўчиб келган. Ҳозирда хотини ва фарзанди билан бир хона уйда истиқомат қилади. Ўзи шаҳар марказида меҳнат қилса ҳам маоши ҳаминқадар, турмуш ўртоғи уй бекаси.

Вилоят ҳокими кўрсатмаси билан бу икки оилага уй-жой тиклашда ёрдам бериладиган бўлди ва зудлик билан амалий ишга киришилди. Икки оилага ҳам имтиёзли кредит асосида қўй ва товуқ ажратиладиган бўлди.

41 яшар Наргиза Неъматова уйсиз, икки нафар қиз фарзанди билан шу ҳудуддаги боғ эгалари томонидан тикланган бостирмада ижарада туради. Қизлардан бири ногирон, уч нафар аёл ҳам муқим ишга эга эмас.

Ҳолат билан танишган вилоят ҳокими ушбу оиланинг уй шароитини яхшилаш бўйича кўрсатма берди ва бу масала ҳам алоҳида хонадон тариқасида ижобий ечим топди. Наргиза Неъматовага эса "Наманган чевар аёллари" МЧЖ томонидан чок машинаси тақдим этилиб, ўзи мазкур жамиятга ишга қабул қилинди.

– Вилоят ишчи гуруҳи ўрганишлари давомида шундай зудлик билан ёрдам кўрсатишга муҳтож оилалар аниқланиб, ўзига хос маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. Шу билан бирга, ҳудуднинг жойлашуви ва ер имкониятларидан келиб чиқиб, иссиқхоналар қуриш, янги ишлаб чиқариш қувватлари фаолиятини йўлга қўйиш чоралари кўрилади. Асосий мақсад аҳолининг кам таъминланган қатламини камбағалликдан чиқариш ва ночор оилалар сонини кескин камайтиришдан иборат, – деди Хайрулло Бозоров.

Вилоят ҳокимлиги
матбуот хизмати.

Қорақалпоқ миллатининг катта жонкуяри, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязовни сўнгги йўлга кузатар эканмиз кўз олдимизда янгиланган озод ва обод Қорақалпоғистон гавдаланади.



ХОТИРАСИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Г.АННАҚИЛИЧЕВА, "Қорақалпоқ адабиёти" газетаси Бош муҳаррири. Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Муса ака жуда инсонпарвар киши эди. Кам гапирар, лекин тинимсиз ишлар эди. Биз ҳеч қачон унинг меҳнат таътилига чиққанини ёки қаергадир дам олишга кетганини эшитган эмасмиз. У ҳамиша юрт тақдири, халқининг омонлиги, фаровон, тинч, осойишта ҳаётини ўйлаб яшади.

Ҳар қандай вазиятда ҳам у қорақалпоқ халқининг ҳаётини яхшилаш Қорақалпоғистонни янада равнақ топтириш аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланар эди.

У мамлакатимизда йўлга қўйилаётган ислоҳотлар асносида Қорақалпоғистон ҳаётини бутунлай янгилаш учун бор кучини сарфлади. Нукуснинг кўчаларидан бир ўтган киши бу шаҳар қорақалпоқ халқининг ойдин келажагига катта йўл эканлгини албатта англаб етади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев Қорақалпоғистон бўйича чиқарган ҳар бир фармон, қарор ёки дастур бўлсин М.Ерниязовга катта таянч, амалга ошириладиган ишларга очилган йўл, катта дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Қорақалпоғистонда энг қолоқ соҳа саналган қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланди, бирорта корхонаси йўқ ҳудуд катта саноат майдонига айланди. Йирик завод ва фабрикалар фаолияти, инвестицияларнинг кириб келиши туфайли очилган, ер ости ер усти бойликларининг халқимиз турмуш фаровонлиги учун хизмат қилаётганлиги айни ҳақиқатдир.

Орол кетиб юртимиз экологиясининг бузилиши оқибатлари, бу инқирозларнинг олдини олиш Устюрт, Мўйноқ ҳаётини янгилашда М.Ерниязов Президентимиз Ш.Мирзиёевга елкадош бўлиб бутун дунё эътиборини Орол инқирози оқибатларини бартараф қилишга қаратди.

Бугунги кунда биргина Мўйноқдаги оламшумул янгиланишлар нафақат юртдошларимизни балки бутун дунё аҳлини ҳайратга солмоқда.

М.Ерниязов маънавият, маданият, адабиёт, санъат ривожланишига ҳам катта йўллар очиб бергани ҳеч кимга сир эмас.

Қорақалпоқ санъати жаҳон саҳналарига чиқди. Янги опералар, бадиий фильмлар яратилди. Қорақалпоқ халқи тарихининг янги саҳифаларини излаш, шу юртнинг қадим қаҳрамонларини излаб топиш сингари олийжаноб ишларга бош қош бўлди.

Президентимиз мотам маросимида "М.Ерниязов сингари халқ қаҳрамонлари ҳеч қачон ўлмайди, унинг иккинчи ҳаёти бошланаяпти", деганида катта ҳақиқат бор.

Яқинда "Қорақалпоғистон" нашриётида "Янгиланган қорақалпоқ диёрим" деб номланган китобим нашрдан чиқди. Мен бу қасидани яратиб қорақалпоқ халқи олдида фарзандлик бурчимни адо этганимга қувонаман. Бу қасидада Президентимиз М.Ерниязовга Ўзбекистон Қаҳрамони олтин юлдузини тақар экан, М.Ерниязовга, қорақалпоқ халқига ҳурмат билан айтган қуйидаги сўзлари бор:

"Шундай эл, шундай халқ раҳбари учун катта мукофотлар рағбати керак. Бундай қатъиятли, меҳнаткаш инсон халқини энг оғир синовларда ҳеч ташлаб қўймаган.
Биз бирга бўлганмиз, Мўйноқдан тортиб шу юртнинг энг узоқ қишлоқларида уйларида, далада, ўтлоқларида. М.Ерниязовнинг фидойи меҳнати рағбатга лойиқ.
Қаҳрамон бир халқнинг Қаҳрамон раҳбари, деб ҳурматлаб юрсин халқ"


Навоий вилояти

НАВОИЙ ШАҲРИДА 400 ЎРИНЛИ ТАҚСИМОТ ПУНКТИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Куни кеча Навоий шаҳридаги "Ёшлар" спорт мажмуаси биносида 400 ўринли ташхислаш, саралаш, тақсимот пункти фаолиятини бошлади.

Пандемия даврида беморларга бирламчи тиббий хизмат кўрсатишни мақсад этган мазкур вақтинчалик шифо масканида тез тиббий ёрдам бўлимига ҳарорати кўтарилиб, мурожаат этган беморлар келтирилади. Жараёнда беморлар ташхисланиб, улар аҳволининг ўта оғир, оғир ва енгиллигига қараб саралаш ишлари ташкил этилади. Беморларнинг клиник белгиларидан келиб чиқиб, улар шифохонага ёки уйида даволаниш учун йўналтирилади.





Айни пайтда Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан мазкур пункт тиббий кўрик учун замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминланди.

Шунингдек, беморлар учун 200 та кислородли ўрин тайёрланди.

Пунктга беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун 44 нафар тиббиёт ходимлари жалб этилди.

Ташхислаш, саралаш, тақсимот пункти фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолининг тиббий хизмат билан боғлиқ муаммоларини ижобий ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.


Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон вилояти

АҲОЛИГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Пахтаобод туманида Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 июлдаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ишлар бошлаб юборилди.





Маълумки, фармонда пандемия даврида эҳтиёжманд аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Туман ҳокими ва сектор раҳбарлари етакчилигида туманнинг Санграобод ва Муаззинбой маҳаллаларида ана шу бир марталик моддий ёрдам пуллари топширилди.

Бугун мазкур маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилаларда истиқомат қилувчи 128 нафар фуқаронинг ҳар бирига 220 минг сўмдан моддий ёрдам пули берилди.

Туманда бир марталик ёрдам пулини беришни белгиланган муддат ичида тўла якунланлаш кўзда тутилган.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
З.УМРЗОҚОВ (сурат), ЎзА



ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ – ОЛИЙ БАХТ



Қашқадарё вилояти

Маълумки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, эртамиз эгалари бўлган фарзандларимиз тарбиясида мактабгача таълим даври ўзига хос энг муҳим босқични, таъбир жоиз бўлса, пойдевор вазифасини ўтайди.

Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада изчиллик билан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоятда 1284 та мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлиб, бунда нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг кўрсаткичи юқоридир. Яратиб берилаётган шарт-шароит ва имконият туфайли 31 та хусусий, 738 та оилавий НМТМ, 131 та давлат-хусусий шериқчилик асосидаги, жами 900 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти йўлга қўйилди. 384 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида ҳам замон талаблари даражасидаги ишлар олиб борилмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда 3-7 ёшли болалар сони 285 871 нафар бўлиб, содда қилиб айтганда, боғчаларга қамраб олинганлар сони 116 297 нафарни (яъни 40,7%) ташкил этади. Қамровни йилма-йил ошириб бориш вилоят мактабгача таълим бошқармаси олдида турган бош вазифалардан бири. Хусусан, ушбу йилда вилоятда қамров борасида 47 фоизлик натижага эришиш мўлжалланяпти.

Шу билан биргаликда тизимда педагог кадрлар салоҳиятини ва сонини ошириб боришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2020 йилда 9017 нафар, келгуси йилда эса 11217 нафар ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар соҳага жалб этилади.

Албатта, пандемия даврида мўлжалдаги ишлар бироз ортга сурилмоқда, аммо ҳали имкон бор. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида қатор туманлардаги мактабгача таълим ташкилотларида капитал, жорий ва қисман таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари доирасида 2020 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан 25 та мактабгача таълим ташкилотида 91.1 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, шундан 13 таси фаолият кўрсатмаётган ташкилотларда олиб борилади. Шунингдек, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси томонидан 5 та мактабгача таълим ташкилоти 18,8 миллиард сўм ҳисобига таъмирланади, реконструкция қилинади, қурилади. Яна ҳозирда фаолият кўрсатмаётган қатор биноларни соҳа фаолияти учун жалб



қилиш режага киритилган.

Худди шунингдек, қурилиш ишларининг сифатли олиб борилишини танқидий назорат қилиб боришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 16-19 май кунлари Инвестиция дастурига асосан мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, реконструкция ва таъмирлаш учун тендер танловлари ўтказилди. Шаффоф ўтган ушбу тендер танловларида 91 миллиард сўмлик қурилиш объектларини қуриш, реконструкция ва таъмирлаш таклифи 81 миллиард сўмга билдирилди. Иқтисод қилинган 10 миллиард сўмга яқин пул эса яна 3 та мактабгача таълим ташкилотини таъмирлашга йўналтирилди.

САЙЁР ҚАБУЛЛАР – МУЛОҚОТ МАЙДОНИ, МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига кўра 2020 йилнинг 9-12 июнь кунлари Қашқадарё вилояти туманларида сайёр қабуллар ташкил этилди. Бу қизғин жараёнларда Мактабгача таълим вазирлиги вакиллари ҳам фаол иштирок этди. Қабуллар давомида 70 та масала ижобий ҳал қилинди, 21 та масала бўйича фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 3 та масала ечими вақт талаб этиши муносабати билан вазирлик томонидан ҳал этиш чоралари кўрилиши маълум қилинди.

Айниқса, сайёр қабул даврида давлат-хусусий шериклик асосида оилавий боғча очиш истагини билдирган 180 нафар тадбиркорларнинг ҳужжатлари жойларга бориб ўрганиб чиқилди ва 110 нафар тадбиркорга битимлар имзолаш учун рухсат берилди.

Сайёр қабул давомида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида жами 4250 қувватга эга оилавий ва нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича битимлар имзоланди ҳамда хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 385 та янги иш ўринларини ташкил этишга эришилди.

Бугунги кунда инвестиция дастури доирасида янги қурилаётган мактабгача таълим муассасаларида бир ўрин учун 48 миллион сўм сарфланаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, сайёр қабуллар давомида Қашқадарё вилоятида қўшимча 4250 ўрин яратиш орқали 200 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилган.

– Тизимда олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида сўзлайдиган бўлсак, – дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Асрор Алимардонов, – жорий йилдан бошлаб болаларни бошланғич таълимга мажбурий 1 йиллик тайёрлаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бунда мактабгача таълим ташкилоти, мактаблар қошида вилоят миқёсида 25.500 нафар бола қамраб олиниши кўзда тутилган. Бошқарма тасарруфидаги педагогика коллежлари негизида ҳам жами 900 нафар бола қамраб олиниши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун қўшимча яна 36 та тайёрлов гуруҳлари ташкил этилади. Қашқадарё – салоҳияти катта, имкониятлар кенг ҳудуд. Ресурслар ҳам етарли. Биздан талаб қилинадигани эса фидойилик билан ишлаш, натижа кўрсатиш, ҳар бир ўғил-қизни қамраб олган ҳолда уларни чин маънода, эртамиз эгалари қилиб тарбиялашдир.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят Мактабгача таълим тизимида вазифалар аниқ, ишлар эса жадал кетмоқда. Демак, натижалар ҳам шунга монанд бўлишига шубҳа йўқ.

Шуҳрат ХЎЖАЕВ

МАШҒУЛОТЛАР ОНЛАЙН ТАРЗДА

Ҳозирги карантин даврида болажонларнинг уйдаги вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида вилоятда ҳам онлайн машғулотлар йўлга қўйилди. Бу борадаги чора-тадбирлар карантиннинг илк кунларидан бошланган бўлиб, "Болажон" телеканалида намойиш қилинаётган "Ақлвой" ва "Илк қадам" кўрсатувлари билан биргаликда ҳар бир тарбиячи томонидан индивидуал машғулотлар ташкил этилмоқда. Бу эса ҳар бир болани жараёнга қамраш имкониятини янада мустаҳкамлайди.

Онлайн машғулотлар сифатини ошириш мақсадида бошқарма томонидан тарбиячиларга доимий равишда онлайн машғулот, масофавий таълим учун методик материаллар, ўқув-услубий қўлланмалар етказиб берилмоқда. Тизимда онлайн мулоқотларни ривожлантириш борасида ҳам ташаббуслар кўрсатилмоқда. Шу мақсадда болажонлар ва ота-оналарни фаоллигини ошириш учун турли танловлар ташкил этилди, ижтимоий тармоқларда челленжлар эълон қилинди. "Менинг томоркам", "Зукко болажон" онлайн кўрик-танловлари ана шундай танловлардан бўлиб, ота-оналар ва болажонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Жиззах вилояти



УЗУМЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бахмал туманининг иқлими мева етиштириш учун жуда қулай. Шу боис, азалдан унинг олма ва узумларини нафақат ўзимизда балки чет мамлакатларда ҳам яхши эътироф этишади.

Айни пайтда ҳудудда узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир туман бўйича 1144 гектар токзор мавжуд. Шундан 372 гектари ҳосилга кирган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги "Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 1000 гектар майдонда янги токзорлар ташкил этиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 420 гектар майдонда ток кўчатлари парваришланмоқда.



2017 йилда ташкил этилган "Жамшид фахрли боғи" боғдорчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжалиги шартнома асосида фермерларга кўчат етказиб беради. Айни пайтда ҳам 70 сотихда 150 минг туп ток кўчатлари етиштирмоқда. Бундан ташқари, 9 гектар боғда 2 минг туп олма дарахтлари парваришланяпти.

– Нимага эришган бўлсам барчаси ушбу меҳнатим эвазига, – дейди хўжалик раҳбари Фахриддин Саримсоқов. – Бу йил барча навлардан қаламчалар қадаганмиз. Насиб бўлса кўчатларимизни октябрь, ноябрь ойларида сотишни мўлжаллаб турибмиз. Фермер хўжаликлари билан шартномаларни имзолаб қўйганмиз. Қолганини аҳолига етказиб беришни кўзлаб турибмиз.

Ўтган йили фермер ток кўчатчилигининг ўзидан 120 миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Бу йил кўпроқ даромад олиш учун меҳнат қилаётир. Хўжаликда 5 та доимий, 15 та мавсумий иш ўрни яратилган.

Хўжалик раҳбари етиштирган маҳсулотларини сақлаш мақсадида 800 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 500 тонналик музлатгич қуришни бошлаб юборди.

Турғун ЎРОҚБОЕВ,
журналист.

ВИЛОЯТ ИШЧИ ГУРУҲИ ЖОНДОР ТУМАНИ ДАЛАЛАРИДА

Бухоро вилояти

Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Санъатилло Ҳикматов бошчилигидаги ишчи гуруҳи Жондор туманидаги фермер хўжаликлари пахта майдонларида бўлиб, жорий йил ҳосили учун ғўза парваришида олиб борилаётган ишларни яқиндан ўргандилар. Унда туман ҳокими Камол Камолов, сектор раҳбарлари ҳамда туманнинг қишлоқ хўжалигига оид ташкилот раҳбарлари ишчи гуруҳига ҳамроҳлик қилдилар.

Мутасаддилар назорат кўригини "Хўжаҳайрон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Бунёд Салим Ҳаётжон" ҳамда "Усто Баҳром пахтазори" фермер хўжаликлари контурларидан бошладилар. Маҳаллий иқлим шароитига мос ва синовдан ўтган "Бухоро-10" истиқболли навидан баракали хирмон кўтариш агротехникаси, шу кеча-кундузда кечиктириб бўлмас тадбирлар, хусусан, ғўза қатор ораларини "обиҳаёт"га қондиришда "шарбат" усулини кенг қўллаш, майдонларда ялпи чеканкани сифатли якунлаш ва ҳосилга ҳосил қўшадиган ҳал қилувчи ойда бор куч ва имкониятдан унумли фойдаланишда дуч келинаётган нуқсон ва камчиликларга эътибор қаратилди.

"Бунёд Салим Ҳаётжон" тасарруфида 43 гектарда, "Усто Баҳром пахтазори" фермер хўжалигида эса 25 гектарда "оқ олтин" етиштирилаётган бўлса, агротехник тадбирларни олиб боришда миришкорлар юқоридаги каби камчиликлардан холи эмаслиги кўзга ташланди. Шунга қарамасдан, бу хўжаликлар ўтган йилги мувaффақиятларини такрорлаб, деҳқончилик йилини меҳнат зафари билан, яъни ялпи хирмон салмоғини 220 тоннага етказиш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Худди шундай, "Пўлоти" МФЙ даги "Ўрмонбобо Муҳриддин" ҳамда "Ғафурова Сидиқа Зиёдуллаевна" каби фермер хўжаликлари пахта далалари ҳам эътибордан четда қолмади. Мутахассислар контурларда амалга оширилаётган агротехник тадбирлар билан яқиндан танишиб, "Ўрмонбобо Муҳриддин" фермер хўжалигида мавжуд 50,5 гектардан 155, "Ғафурова Сидиқа Зиёдуллаева" фермер хўжалигида еса 69 гектардан 207 тоннадан ошириб қимматбаҳо саноат хомашёси етиштиришнинг ўзига хос мураккабликлари, жумладан, ерни обиҳаётга, минерал ва маҳаллий ўғитга қондириш, сувчи ва механизаторларга яратилган шарт-шароитга юқори баҳо бердилар.

"Хумдонак" МФЙдаги "Эгамбобо Жондорий" фермер хўжалиги миришкорлари ҳам бу мавсумда 54 гектар майдондан 150



тонналик "оқ олтин" хирмони бунёд қилиш ниятидалар. Шу кеча-кундузда хўжалик аъзолари ғўзани чилпиш, култивация ва суғориш ишларини оби-тобида олиб бормоқдалар. Вилоят ишчи гуруҳи аъзолари томонидан бу хўжаликка ҳам зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Зеро, бугун ғўза ривожида ҳудуддаги аксарият хўжаликларда ерга қўшимча минерал ўғит бериш, ғўзани кўллатмасдан, чанқатмасдан, фақат "шарбат" усули билан суғориш, култивация тадбирларини кечиктирмаслик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят ҳокимлиги
матбуот хизмати.

Хоразм ВИЛОЯТИ

Президентимизнинг 2020 йил 19 февралдаги "Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Қўшкўпир туманида катта бир лойиҳага қўл урилди. Бу ҳам бўлса туманда лимончиликка ихтисослашган иссиқхона қуриш лойиҳасидир.



ҚЎШКЎПИРДА ЛИМОНЧИЛИК МАЖМУАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ



Ушбу соҳани ривожлантиришга "Турон банк" лойиҳа координатори этиб белгиланди. Иссиқхона учун тумандаги Довуд маҳалласи ҳудудидан 21,8 гектар ер майдони ажратилди. Ушбу лойиҳанинг қиймати 26 миллиард сўмни ташкил этади.

– Лойиҳалар шундай натижа кўрсатиши керакки, бу орқали аҳолининг камбағал қатламини камбағалчиликдан чиқишига замин яратишимиз керак, – деди вилоят ҳокими Ф.Эрманов ушбу мажмуа қурилишига бағишланган семинарда иштирок этар экан. – Агар биз вилоят, туман миқёсида ушбу қарорнинг ижросини ўз вақтида мукаммал тарзда таъминлай олсак, аҳоли иқтисодий томондан юксалишидан ташқари, камбағал оила сифатида рўйхатда турганлар сонини ҳам кескин камайтиришга эришамиз. Шундагина аҳоли фаровонлиги ошади, эҳтиёжини ўзи таъминлай олади.

Ҳақиқатан ҳам ушбу иссиқхонани ишга тушириш орқали 320 нафар одам иш билан таъминланади. Комплекс 40 нафар тадбиркорга бўлиб берилади. Иссиқхонага 30 минг туп лимон ва 2 миллион 400 минг туп қулупнай экиш мўлжаланган бўлиб, лойиҳа негизида лимончилик кластери ташкил этган ҳолда лимон маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш фаолияти йўлга қўйилади. Вилоятда мавжуд кичик лимончилик ва қулупнайчилик хўжаликларини жалб этган ҳолда лимон ва қулупнай маҳсулотларининг экспортга йўналтирилиши таъминланади.

Иссиқхона қурилишида 100 фоиз маҳаллий бутловчи қисмлардан фойдаланилади. Иссиқхоналар маҳаллий қурувчилар томонидан барпо этилади ва етиштирилган маҳсулотлар логистикаси (инфраструктураси) қулай бўлади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАРАДДУД

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Республикамизда карантин тартиблари кучайтирилган режимда бўлишига қарамасдан, "Ҳудудгаз Жиззах" МЧЖнинг ишчи ходимлари томонидан тизимда барқарор ишлар олиб борилаяпти. Айниқса, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари бир зум бўлсада тўхтатилгани йўқ.

Аҳоли эҳтиёжига мос равишда талаб кўрсаткичларини ўз вақтида бажариш, газ узатиш тармоқларида узилишлар юзага келмаслиги учун режадаги таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

"Жиззах шаҳаргаз" таъминоти филиали томонидан газ хўжалигида жорий йилнинг сентябрь ойига қадар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини якунлаш кўзда тутилган. Мавсумга тайёргарлик борасида филиалнинг тажрибали мутахассислари томонидан "Дўстлик", "Сайилжойи", "Зилол" МФЙ ҳудудида ўрта босимли жами 2,5 километр газ қувурларини реконструкция қилиш ишлари якунланди. Бугунги кунда ҳудуддаги 5,5 километр газ қувурлари ҳолати кўрикдан ўтказилиб, белгиланган режа 104 фоизга бажарилган. Мазкур ишлар натижасида Жиззах шаҳрининг 24 та маҳалласидаги 20 мингдан ортиқ хонадонларда газ таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, Жиззах шаҳри аҳолисини бир меъёрда табиий газ билан таъминлаш мақсадида режа асосида шаҳар ҳудудига қарашли жами 1481 та газ тақсимлаш шохобчаларидан 877 тасида тафтиш-профилактика ишлари олиб борилди. 2,3 километр газ қувури бўялиб, белгиланган режа 104,5 фоизга бажарилди.

Филиал ҳодимлари истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишга ҳамиша тайёр. Бизнинг ишдаги мақсадимиз, аҳолига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиб, табиий газни узлуксиз етказишдир. Ҳозирда карантин режимини инобатга олиб, ходимларимиз филиал маъмурияти томонидан антисептик воситалар, хавфсизлик буюмлари билан таъминланган.

Зокир МАТЧОНОВ,
"Ҳудудгаз Жиззах" МЧЖ
ахборот хизмати раҳбари.

Кўрганларим, кечирганларим туркумидан



Моҳинисо КАМОЛОВА,
тележурналист.

Касб тақозоси билан йигирма йил узлуксиз қишлоқларни айландим. Тупроқли, тошли, баъзан асфальти бор кўчалардан юрдим. Қўлида ўт ранги униққан, кетмондастанинг қадоғи бор қўллар билан тортинмай қўл бериб кўришдим. Эгилган елкаларга "қандайсиз, отахон" деб панжа босдим. Нураган деворлар қатидан ҳам ҳикмат ахтардим. Содда, нолишдан кўрққан, меҳнатга қоришган одамларни яхши кўриб қолдим. Улар ҳақида эркаланиб сўз айтдим. Ўзларини ўзларига муболаға билан кўрсатдим. Улар хурсанд бўлишди, мен рўзғор тебратдим. Орада ришта бўлди.

Кесатганлар ҳам бўлди, "сиз кўрсатган қишлоқларни кўрган одам ўша ерга бориб яшагиси келади" – деб....

Наилож.... Замона зайли... Тақдир битиги... Уни яратган ёзган. Ўзгартиролмадим... Аммо борган жойларимдан яна бир бор айтаман, ҳикмат изладим.

Шуларни ёзмоқчиман.

Усубжон аканинг кўсаги

Телевидениега энди ишга кирган кезларим... Андижоннинг Жалақудуқ туманидаги Ёрқишлоққа бордим. Ёрқишлоқ қўшни Қирғизистон билан чегарадош. Ҳар бир хонадонда ҳусайни, келин бармоқ узуми. Қишлоқ узумчиликка ихтисослашган.

Пахта ҳам бор. У ерда машҳур раис Усубжон ака билан дала ораладик. Ғўзалар баланд-баланд... Пуштиранг гуллаган. Оқ ғунчалари ҳам бор.

Мухбирман, ўзим ҳеч нимани билмасам-да, шу тоифа одамларига хос- билағонлик қилгим келди. Қишлоқи эмасманми, ўсган муҳитимга мос чала гапирардим, чала савол бердим:

– Усубжон ака, негадир сизники (сизнинг ғўзаларингиз, демоқчи эдим) тепасидан оппоқ-оппоқ гулабди-я...

Тасвирчи менинг гапимни тасдиқлаш учун у ёндан ўтиб, бу ёндан ўтиб оқ гулларни излаб суратга тушира бошлади.

Тўғриси, ўша пайтларда пахтачиликни яхши тушунмайман. Ёзувчи Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" китобидаги "Ғўзаларимиз сувсаб-сувсаб қолди. Ғўзаларимиз тепасидан оппоқ-оппоқ гуллади" сатрлари ёдимга тушиб, машҳур раиснинг айбини топдим, деб ўйлабманда ўзимча. Қитмирлик ҳам мухбирликка хос хусусиятда.

Усубжон ака, анжанликларга хос чапанилик билан ғўза орасини очиб, ҳозиржавоблик қилиб чала жавоб қилди:

– Йўғей, қизим бизники қаранг, аллақачон пастдан кўсаклади, – деди.

Кўрсатув бош муҳаррир кўригидан ўтди.

Ўша пайтдаги раҳматли бош муҳаррирмиз менинг шева аралаш гапиришимни ҳар куни эшитавериб қулоғига сингиб кетган эканми... Эътироз билдирмади. Андижонликларнинг гап тагидан гап топишини ким ўйлабди, дейсиз. Эфир кетди.

У пайтларда қўл телефони йўқ. Кекса ҳамкасбим ишхона телефонидан мени сўрашаётганини айтиб имлади. Гўшакда таниш овоз:

– Раҳмат, кўрсатувни кўрдик. Мен Ёрқишлоқлик Усубжон акаман. Кўрсатувдан кейин жуда машҳур бўп кетдим, ҳамма қўнғироқ қиляпти, аммо...

Қайси журналистга бу сўз ёқмайди, дейсиз. Дастлабки, чиқишларданоқ одамлардан раҳмат эшитиш.. Кўрсатувнинг кўпчилик кўрибди, дейилиши..., Яшириб нима қилдим... Гашти бошқача бунинг. Энг катта мукофот олгандай...хурсанд бўласиз!

– Соғ бўлинг, – дедим хурсандлигимни сиполик билан хаспўшлаб.

– Яна денг бутун республикадан... Ҳаммалари бир савол беришяпти...

– Қандай савол?

– Усубжон ака, сизники қаердан кўсаклади, деб сўрашяпти...

Мен жим бўлдим. Хатоимни тушундим. Ҳа, шундай баъзан, Усубжон аканинг гапдан гап топадиган дўстларига гап топиб берибман. Томошабиннинг ўзи тарбиялаб қўяди.

"Ҳажм қилма..."

Чироқчи туманида бир қишлоқ бор. Номи Лангар. Қишлоқ қир-адирликдан иборат. Баҳаво. Яйловлар кўп.. Шу боис одамларнинг асосий тирикчилиги чорва. Улар азалдан чорванинг пири. Илкидаги таёғидаям барака бор, дейишади.

Қишлоқ оралаб қирда қўй боқаётган отахондан бирдан интервью олмоқчи бўлдим. Иш услубим шундай. Олдиндан сиз ундай денг, мен бундай савол бераман дейдиган одатим йўқ.

– Ота, шу чорванинг меҳнати, қўйнинг тўёғи-ю, чўпоннинг таёғидан қаттиқ дейишади, шу тўғрими?

– Тўғри.

– Қўй-қўзилар қир ораламаса бағрини қурт босармиш-а?

– Ҳа.

– Сизларнинг яйловда ҳам шувоқ ўсадими?

– Ўсади, камроқ...

– Шу ўсимликнинг таркибида тилло моддаси бор, дейишади, шувоқ еган қоракўл қўйларининг юнги ялтироқ бўлармиш.

– Ҳа..

Яна савол бердим.

– Қанчадан бери қўй боқасиз....

Сабри тугаган чўпон, дангаллик билан бир жиркиди....

– Нима бало, чўпон-пўпоннинг қизимисан, билганларингни ҳадеб сўроврасан, Қоч-ей, ҳажм қилма.

Бу ернинг шевасида "ҳажм қилма" дегани – ҳаж яъни мазах қилма дегани.


У бу гапни шундай жаҳл билан айтдики, мен хафа бўлиш ўрнига ўз қилмишимдан шарақлаб кулиб юбордим.

Камгап чўпоннинг беғуборлиги, кўнглидаги гапни безор бўлганидан баралла айтгани дилимни яйратган эди...

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail:chzsxt@mail.ru Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.

PLANETA SERVIS

TRAKTORBOR.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти жамоаси институт директорининг илмий ва инновацион ишланмалар бўйича ўринбосари, қ.х.ф.д., профессор Фатхулло Тешаевга отаси

Жўрақул ТЕШАЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти жамоаси институтнинг Жиззах илмий-тажриба станцияси "Ғўза селекцияси ва уруғчилиги" бўлими бошлиғи, қ.х.ф.н., катта илмий ходими

Саид ЎРОЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Раимқул СУЯРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Саҳифаловчи-дизайнер **М.ЮСУПОВ**

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-76-78. **Факс** – 233-44-43, 233-09-93. **Реклама ва эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04. **web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-825. Ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. **2 427** нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 5 6

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00